● *МОЗИЙДАН САДО*

# ВАТАНДОШИМИЗНИНГ МАККАИ МУКАРРАМАДА ЁЗГАН АСАРЛАРИ

***Кўҳна туркистонлик буюк алломалардан бири Абдул Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий (1075-1144) илм-фаннинг турли соҳаларига оид элликдан ортиқ асарлар ёзиб қолдирган. Улар тилшунослик, адабиёт, аруз, илм ал-қироат, диний илмлар мажмуасига бағишланган муҳим асарлардир. Бахтимизга аз-Замахшарий асарларининг аксарияти бизгача етиб келган. Алломанинг буюк мероси жумласидан «Китоб ал-амкина ва-л-мойеҳ ва-л-жибол» («Жойлар, сувлар ва тоғлар ҳақида») номли жуғрофияга доир бир китоби ҳам муҳим аҳамиятга моликдир. Маълумки, аз-Замахшарий ўз умрининг аксар қисмини сафар ва саёҳатларда ўтказган. Жумладан, Маккаи мукаррамада беш йилдан ортиқ яшаган ва шу боисдан Жоруллоҳ («Оллоҳнинг қўшниси») деган юксак лақабга ҳам сазовор бўлган. Унинг қатор асарлари Маккада пайтида ёзилганлиги ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилади. Шулар қаторида «Жойлар, сувлар ва тоғлар» ҳақидаги асари ҳам олим Маккада пайтида тасниф этилган.***

Аз-Замахшарий Маккаи мукаррамага қадам ранжида қилганида муқаддас шаҳар аҳли, айниқса унинг амири Абу-л-Ҳасан али ибн Исо ибн Ҳамза ибн Ваҳҳос (556 ҳижрий — 1161 мелодий йилда вафот этган) олимни жуда илиқ ва самимий кутиб олиб, унга улкан ҳурмат ва эҳтиром кўрсатади, ҳатто унинг учун Байтуллоҳ ал-Ҳарамнинг яқинидаги Боб ал-Ажйод маҳалласидан бир уй ҳам қуриб беради. Улар ўртасидаги ўзаро дўстлик ва биродарлик иплари тобора мустаҳкамланиб аз-Замахшарий амирга атаб бир қасида ҳам ёзиб, ўзига кўрсатилган катта илтифотни миннатдорлик туйғуси биланараннум этади. Макка амири ҳам етук олим ва шоир бўлганидан аз-Замахшарий билан унинг ўртасида кўпдан-кўп илмий, ижодий мунозаралар, самимий суҳбатлар бўлади. Манбаларда қайд қилинишича, Қуръони карим тафсирига бағишлаб ёзган машҳур «ал-Кашшоф» асарини ҳам, наҳву сарфга оид «Муҳожот бил-масоил ан-наҳвия» асарини ҳам аз-Замахшарий амир ибн Ваҳҳосга бағишлаб Маккада яшаб турган пайтида таълиф этган.

Умуман олганда, Ҳижозда бўлган даври аз-Замахшарий ижоди учун ғоятда самарали ўтган. Чунончи бепоён мусулмон дунёсининг турли бурчакларидан Маккаи мукаррамага келган зиёратчилар орасида кўплаб олимлар, адиблар ва бошқа соҳа илм аҳллари бўлиб, улар учун муқаддас саждагоҳ бир илмий маърифий маскан сифатида шарафли вазифани ҳам ўтарди. Уларнинг ўзаро илмий мунозаралари, самимий мулоқотлари ғоятда фойдали бўларди. Албатта, узоқ йиллар Маккаи мукаррамада яшаган аз-Замахшарий ҳам бундай қулай фурсатдан унумли фойдаланиб, мана шу тарздаги илмий мунозараи-баҳсларда фаол иштирок қилган.

Ҳажм жиҳатидан унча катта бўлмаган «Жойлар, сувлар ва тоғлар» ҳақидаги асарини аз-Замахшарий асосан Ҳижоздан олган маълумотларга таяниб ёзган. Чунончи алифбо тартибида яратилган жуғрофий луғат тусидаги бу асар аксар ҳолларда Ҳижоз ҳудудида жойлашган шаҳарлар, қишлоқлар, водийлар, тоғлар ва сув манбалари хусусидаги маълумотларни ўз ичига олган. Бошқа араб мамлакатлари, масалан Ироқ, Сурия, Миср, Фаластинга оид жуда кам маълумотлар фақат китобий (тасвирий) тарзда келтирилган.

Шимолий Африка, Эрон ва Ўрта Осиё ҳақида эса жуда камдан-кам ҳолларда зикр қилинади. Шу боис, баъзи олимларнинг аз-Замахшарий ушбу асарини охиригача тугатишга улгурмаган ёки чала таҳрирдан чиқарган, деган фикрлари ҳам мавжуд. Ушбу асарнинг манбалари ҳақида гапирадиган бўлсак, аз-Замахшарий биринчи навбатда Макка амири ибн Ваҳҳосдан олган маълумотларига суянади. Бинобарин, Арабистон ярим оролига оид кўп маълумотлар йигирмадан ортиқ ўринларда бевосита унга таянилиб «Али айтди» (Қола Али), «Сайид Али айтди» (Қола ас-Сайид Али), «Аш-шариф Али айтди» (Қола аш-Шариф Али) деган иборалар билан тўғридан-тўғри унинг сўзлари нақл қилинади. Эҳтимол, амирнинг номини зикр қилмасдан туриб ундан келтирган ўринлари ҳам бордир.

Аз-Замахшарий ўз асари учун фойдаланган манбалардан яна бири машҳур араб тилшуноси Абу Саййид Абдул Малик ал-Асмойининг (740-831) «Жазират-ал-араб» («Арабистон ярим ороли»)асаридир. Лекин аз-Замахшарий бевосита ал-Асмойининг «Жазират ал-араб» асаридан нақл қилганми ёинки унинг асаридан фойдаланган бошқа муаллифлардан кўчириб келтирганлиги ҳақида қатъий бир фикр айтиш қийин бўлсада, ҳар ҳолда уч ўринда аз-Замахшарий аниқ равишда «ал-Асмойидан олинган» деб таъкидлайди. Ўз навбатида Аз-Замахшарийнинг бу асари ундан кейин яратилган баъзи жуғрофий асарлар учун манба вазифасини ҳам бажарган. Бу борада энг аввало машҳур араб қомусий олими Ёқут ал-Ҳамавийнинг (1179-1229) илм аҳлларига яхши таниш бўлган «Муъжам ал-булдон» («Мамлакатлар қомуси») асарини зикр қилиш зарур. Аз-Замахшарий вафотидан 75 йил ўтгач, мўғуллар босқини арафасида Марказий Осиёда, жумладан Хоразмда, Марвда бўлган Ёқут ал-Ҳамавий бу шаҳарлардаги бой кутубхоналарнинг беҳисоб қўлёзмалари ҳақида ўз асарида ғоятда завқланиб, «Мен «Муъжам ал-булдон» ва бошқа китобларимдаги маълумотларнинг кўпини мана шу кутубхоналардан тўплаганман» деб ёзган. Дарҳақиқат бир неча жилддан иборат йирик жуғрофий луғат яратган Ёқут ал-Ҳамавийдек буюк олим аз-Замахшарийнинг «Жойлар, сувлар ва тоғлар» ҳақидаги китобига юқори баҳо бериб «Аз-Замахшарийнинг бу соҳада гўзал бир асари бор» деб ёзган ва ундан ўз асарининг 64 ўрнида бевосита фойдаланган.

Яна бир гап. Аз-Замахшарийнинг бу асарида кўпинча Қуръони карим, пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг муборак ҳадислари, Ислом дини тарихи билан боғлиқ жойлар номлари, Жоҳилия ва бошқа қадимги даврлардаги шоир-адибларнинг ижодларида учрайдиган исмлар: Абу Навវос, Ибн Ҳоний, Ибн Муқбил каби машҳур шоирларнинг назмий асарларидаги латиф иборалар, ҳикмат ва мақолаларга ҳам алоҳида эътибор берилган. Шу сабабдан ҳам бу асарни нафақат жуғрофий, балки адабий тусдаги асар ҳам деб ҳисоблаш мумкин. Аз-Замахшарийнинг ушбу асари Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам бир қадар ўрганилган. Дастлаб Европада голландиялик йирик арабшунос олим Т. В. Я. Йойнболлнинг (1802-1864) шогирди арабшунос М. Сальверди де Граве томонидан чуқур таҳлил этилган ҳолда 1856 йилда Лейденда чоп этилган бўлиб, ҳозирги вақтда бу нашр кам топилади. Сўнгра 1962 йилда Нажафда (Ироқ) аз-Замахшарий асари қайта нашр қилинган бўлиб, ушбу нашр тижорат мақсадида бажарилганидан ҳам унда қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилган. Бундан ўттиз йилча олдин, аниқроғи 1968 йилда Бағдоддаги ас-Саъдун матбасида аз-Замахшарий асарининг доктор Иброҳим ас-Самараий томонидан бажарилган янги нашри чоп этилди. Мазкур хайрли ишни тайёрлашда ироқлик олим юқорида зикр қилганимиз икки (Лейден ва Нажаф) нашридан ташқари аз-Замахшарий асарининг бошқа икки қўлёзмасига ҳам таянган.

Улардан бири Туркиядаги Аҳмад ас-Солис кутубхонасида сақланадиган қўлёзма бўлиб, (2743 рақамда) катта ҳажмдаги ўттиз уч варақдан иборат. Қўлёзма 622 ҳижрий (1225 мелодий) йилда муаллиф (аз-Замахшарий)нинг асл нусхасидан ҳаттот Али ибн Муҳаммад ал-Хафжоий томонидан кўчирилган. Тадқиқотчи -- доктор Иброҳим ас-Самараий мазкур қўлёзманинг Араб мамлакатлари лигаси қошидаги қўлёзмалар институтида сақланадиган фотосуратидан фойдаланган. Доктор Иброҳим ас-Самараий фойдаланган иккинчи қўлёзма ҳам Аҳмад ас-Солис кутубхонасида сақланиб 62 катта варақдан иборат. Бу нусха 658 ҳижрий (1260 мелодий) йилда чиройлик насҳ хатида кўчирилган бўлиб, унга ҳаттотнинг қўли билан «Ушбу нусха асли билан муқобала қилиниб тасҳийҳ этилди (тузатилди)» деб ёзиб қўйилган. Лекин ушбу нусха доктор Иброҳим ас-Самараий фойдаланган биринчи (2743 рақамли) қўлёзмадан эмас, бошқа қўлёзмадан кўчирилганлиги аниқланган. Бинобарин, аз-Замахшарий асари ўша даврда кенг тарқалиб, бошқа нусхалари ҳам мавжуд бўлганлиги маълум бўлади. Мана шу икки нашр ва икки қўлёзмага таяниб ироқлик олим доктор Иброҳим ас-Самараий буюк ватандошимиз аз-Замахшарийнинг «Жойлар, сувлар ва тоғлар» ҳақидаги китобининг мукаммал илмий нашрини чоп этганлигини миннатдорчилик туйғуси билан қайд қилиш лозим. Мустақиллигимиз берган имкониятлардан келиб чиқиб аллома аз--Замахшарийнинг бошқа асарлари қаторида ушбу жуғрофий луғати ҳам ҳар томонлама чуқур ўрганилиб ўзбек тилига таржима қилинса фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлаймиз.

**Убайдулла УВАТОВ,**
**Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари**

*МАМЛАКАТИМИЗ ШАҲАРЛАРИ*




*Зарафшон-Қизилқум барханлари ичра бунёд бўлган шаҳар.*

**Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# ОРОМГОҲДА ... БИЗНЕС-МАКТАБ

***Яккабоғ туманининг фусункор масканларидан бири -- Қарши давлат университетининг «Роҳат» дам олиш оромгоҳида халқаро ёзги бизнес мактаби иш бошлади.***

Бу ерда бутун таътил давомида иқтидорли талабалар инглиз тили, иқтисодиёт, бошқаришни компьютерлаштиришни чуқурлаштирилган дастурлар асосида ўрганадилар. Янги мактаб уларнинг билимини яна бир бор аниқлаб, нималарга қодир эканликларини намойиш этишларига имкон яратди.

Мактабда олий, ўрта ва махсус билим юртлари, мактабларнинг ўқитувчилари билан бирга чет эллик мутахассислар ҳам ёшларга иқтисодиёт асосларидан дарс бермоқдалар.

**П. ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

«ЎзДЭУ авто»
қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган автомобилларни таъмирлаш бўйича «Автотеххизмат» Тошкент ҳудудий акциядорлар жамиятида ва Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, «Чимкент» тракти, 79 да жойлашган
3-ТЕХНИКА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ СТАНЦИЯСИДА
ишлаш учун
ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР
КЕРАК
Меҳнат ҳақи — ишбай.
3-СТО «Автотеххизмат» Тошкент ҳудудий акциядорлар жамияти таркибига киради.

АПИФЕН
мушак оғриқларини қолдирадиган ишончли, самарали восита.
Кунига уч маҳал 1-2 таблеткадан.
Шаҳар дорихоналарига мурожаат қилинг.
сурхон аджанта фарма лимитед

● *БИР КАМ ДУНЁ*

# ШОДЛИГИМГА ШЕРИК БЎЛИНГ

***Телекўрсатув, радиоэшиттириш, матбуот одамлар маънавиятини янада бойитади, аҳлоқий, тарбиявий фазилатларини юзага чиқаради. Кейинги пайтларда халқаро телеканаллар орқали турли дунёвий воқеалар, спорт мусобақалари, юлдузларнинг чиқишлари олиб кўрсатила бошланди. Футбол бўйича ўтказилган халқаро беллашувларни томоша қиларканман, ўйинчиларнинг баъзи ҳатти-ҳаракатлари диққатимни тортди.***

Хорижлик ўйинчиларнинг рақиб дарвозасига тўп киритгандан сўнгги ҳолатларини ҳеч кузатганмисиз? Аввало мухлисларига шодлигини улашади. Ғойибона ўпичлар йўллайди, тиз чўкиб таъзим қилади... Сўнг майдондошлари билан қувонч нашидасини суради. Жаҳон эстрада юлдузи -- Майкл Жексон эса минглаб мухлислари олдида қўшиқ куйлаётиб ҳам уларнинг бағрига сингиб кетгудек бўлади. Гулдасталар ирғитади. Тўғри, ҳамма ҳам Майклнинг куйлаётган қўшиғини тушунмаслиги, сўзларини англамаслиги мумкин. Лекин қўшиқни таржима қилиш шарт эмас.

Ўз шодлигини ўзгага илина билиш ҳам гўзал фазилат. Бу бир қарашда жуда жўн туюлиши мумкин. Лекин унинг замирида бир олам маъно бор.

Хорижликларга ҳавас қилиш яхши. Балки тафаккуримизда, дунёқарашимизда маълум даражада фарқ бордир. Эҳтимол, улар эркин фикрлар, шодлигини очиқ-ойдин билдиришар. Нима бўлганда ҳам бир нарсага ҳеч тушуна олмайман: бизнинг спортчиларимиз мухлисларини уларчалик севмайдими? Санъатимиз юлдузлари-чи?

Севади! Балки ортиқроқ қадрлашар ҳам. Фақат орамизда қандайдир кўз илғамас «йироқлик» бордек.

Балки бу сиполикдир, одобдир. Балки нописандликдир?

Эл таниган одамларда соддалик бор. Ана шу соддалик, самимийликлари боғлайди-да, бизга уларни. Лекин баъзида энидигина катта саҳна юзини кўрган ёки машҳур юлдузлар-чи? Очиғи, шодлигини мухлисга улашаётганларни кўпда кўравермайман. Сиполик уларга кўркамлик бағишлаб туради. Салобат ҳам берар айримларга. Лекин томошабинга сиполикдан кўра самимийлик нақадар азизлигини ҳис этиш қийинмас-ку?

Қаҳратон қиш кунлари эди. Шундоққина университет ёнидаги «Алпомиш» спорт саройида машҳур эстрада қўшиқчиси София Ротару концерт беришини эшитиб бутун курсимиз йиғилиб тушдик. Ўша куни юлдузнинг кайфияти ёмон эканми, чиройи очилмади саҳнада. Талаба халқи жуда бой бўлмаса-да, барибир санъат учун наинки пулини, жонини ҳам фидо қилади. Уч кишилашиб пул йиғиб гулдаста харид қилдик. Гулдастамизни саҳна четидаги «қўриқловчиси» олди. Хафа бўлмадик, тартиби шу экан. Лекин эртасига «сарой ортига олиб чиқиб ташланган гулдасталарни сотишаётганмиш» деган миш-миш эшитдик. Кейин билсак, юлдуз «Афишам яхши реклама қилинмабди» деб аразлаб ҳамма гулдасталарни ирғитиб кетган экан...

Яқинда ўзим севган машҳур эстрада юлдузининг Халқлар дўстлиги саройидаги концертига кирдим. Қўшиқ орасида гулдаста тақдим этмоқчийдим. Мендан кейин 7-8 яшар қизалоқ унга гул бериш учун навбат кутиб турарди. «Опоқижон, илтимос мен олдин берай, қаранг менинг энг севган қўшиғимни айтди-да...» Гўдакнинг борлиғи билан қўшиқчига интилаётганини кўриб олдинга ўтказиб юбордим. Қизалоқ югуриб бориб гулни узатди. Хонанда қизалоққа қайрилиб ҳам қарамай гулни олди ва оёғи остидаги уюм гуллар орасига тап эткизиб ташлади-ю, кейинги қўшиғини бошлади. Бола-бола-да, ўксибми, томошабинлардан уялибми, йиғлаб юборди. Мен эса гулдастамни қизалоққа тутқаздим. Кимдир тўлқинланибми ё ранжибми чапак чалди. Билибми-билмайми, залдагилар ҳам қўшилди...

Очиғи, юлдузимдан ихлосим қайтди. Ҳозир ҳам қўшиқларини севиб тинглайман. Лекин кўнглимдан анча олислашди. Бундоқ ўйласам, шодликни ўзгага илиниш ҳам юксак маданият белгиси экан.

Хорижлик машҳурлар мухлисларига «Шодлигимга шерик бўлинг» дегандай ғойибона ўпич йўллаётганларини кўриб ўша воқеаларни эсладим.

Бу гапни сизга илиндим...

Негадир ҳар биримиз ҳам шодлигимизни кимгадир илиниб яшасак яхши-да, деган ўй ўтди кўнглимдан.

**Саида БОНУ.**

"ЎЗЗООВЕТТАЪМИНОТ"
*РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ ИШЛАБ ЧИКАРИШ БИРЛАШМАСИ КУЙИДАГИЛАРНИ БОЗОР ПАРХЛАРИДАН АРЗОН БАҲОЛАРДА ТАКЛИФ КИЛАДИ*

1. Антибиотиклар:
   Ампицилин
   Бицилин
   Тетроандомицин
   Гентомицин
   Фармазин
2. Антигельминтиклар:
   Финмендазол
   Вермитан
   Левамизол
   Вальбаден 2:5%
3. Чорва молларини чўмилтирувчи воситалар:
   Эктомин
   Эктолар
4. Дезинфекция воситалари:
   Каустик сода
   Гиллохлорид кальций
   Хлорли оҳак
   Формалин
5. Гармоник препаратлар:
   Окситоцин
   Диригистон
6. Витаминлар:
   Тривит
   Тетравит
7. Кукун ҳолидаги глюкоза, йод настойкаси, кемирувчиларга қарши қўлланиладиган воситалар.
8. Ветеринария лабораториялари учун жиҳозлар.
9. Пахта, бинт ва бошқа боғловчи воситалар.
10. Халат, пахтали куртка, оддий куртка, махсус қоғоз қоплар .




*Манзил: Тошкент, "Строительная" кўчаси, 1.*
*(Мўлжал - Қўйлиқ бозоридан кейин биринчи кўприк).*

Тел.: (3712) 90-42-53, 98-68-54, 90- 42 57. Факс: 98-68-61.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги давлат ветеринария бош бошқармаси жамоаси мазкур бошқарма бошлиғининг ўринбосари Инатилло Қурбоновга отаси

**Муҳаммади ҚУРБОНОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси раҳбарияти ва жамоаси мазкур компания раисининг ўринбосари Саъдулло Муҳаммадқуловга опаси

Сайёра МУҲАММАДҚУЛОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси ва Тошкент шаҳар машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси «Ўзкабель» ДАЖ касаба уюшмаси қўмитаси раиси Бахтиёр Ҳамидовга отаси

**БАКИР отанинг**

вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва биология-тупроқшунослик факультети жамоаси тупроқшунослик кафедрасининг доценти

**Қаҳҳор ҒАФУРОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси Спорт таҳририяти жамоаси режиссёр А. Ёқубовга отаси

**Ўлмас ЁҚУБОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент кимё-технология институти жамоаси катта ўқитувчи

**Кенжа АВЛЯНОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 36-37-85;*
*Иқтисодиёт 36-36-65, 36-07-94;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Тунги муҳаррирят 33-10-28;*
*Эълонлар 36-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0449, 34.845 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М.Сафаров.
Навбатчи — Ф. Санаев.
Мусаҳҳиҳ — Ф. Бободўст.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 23.00
1 2 3 4 5 6